



Гоҳида одам ҳақни кўради, билади. Эргашгиси ҳам келади.

Лекин дунё кўндаланг бўлса ҳақдан кечиб, залолат ботқоғида яшашга рози бўлақолади. Ишонмайсизми? Унда қуйидаги қиссани дикқат билан ўқинг.

Аъшо ибн Қайс.

Ёши улуғ, араблар ичидаги донг таратган буюк шоир. Ёлғиз ўзи чўллар кезади. Йўл босади. Кеча – кундуз завқ иштиёқ билан Мадина га интилади. Мадинада уни тенгсиз учрашув кутмоқда. У нур излаб кетмоқда. Нурга талпинмоқда.

Мана бир неча йил бўлдики Аллоҳ инсониятга йўл кўрсатиш учун Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи ва салламни элчи қилиб жўнатди. Қурайш Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи васалламнинг элчилигига қаттиқ қаршилик кўрсатган бўлсада, бу хабарни араб қабилалари орасида тарқалишидан тўсиб қола олмади. Кўпчилик оқил кишилар хабарни эшитиб, Расуллурроҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам билан учрашиб, рисоласини тинглашга шошилди. Базилар муродларига етди. Ҳақни топди. Нурга етишди. Жоҳилият зулматидан қутилди. Баъзилар эса ҳар хил сабалар билан бу баҳтга сазовор бўла олмадилар.

Ҳақни билиш унга етиш дегани эмас. Ҳаққа етган киши у билан баҳраманд бўлади ҳам дея олмаймиз. Чунки қанча кишилар Расуллурроҳ саллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳақ пайғамбарлигини билатуриб эргаша олмади. Аллоҳ ўзи бизни ҳаққа ҳидоят қилсин!

Яна чўлга қайтайлик.

Аъшо – оддий киши эмас. Ҳаммақатори шоир ҳам эмас. Шуни ҳам



унутмангки араблар ўша даврда шеър бобида машҳур бўлишган. Ҳар қандай оми киши чиройли шеърни бир зумда назм қилолган. Шундай даврда кимсан Аъшо бўлиш осон эмас. Бўлолгандан кейин бировлар олдига бош эгиб келиш унданда қийин. Бу андишалар Аъшони сафаридан тўса олмади. Кексалигига қарамай Мадинага интилмокда. Ҳаётининг қолганини ҳидоятда, тақвода ўтқазмоқ нияти шоштиради.

Кун оғишга бошлагандан узокдан бир қора кўринди.

- Кўчманчи араблардан шекилли! - ўйлади у - бир кеча улар олдида тунай, эртага кун тиккага етмай Мадинага кириб бораман. Эртароқ дам олганим яхши. Эртага мени кўп нарса кутябди.

- Аъшо ибн Қайс экан, бошлаб келдим! – деди тунаш учун тўхтаган қурайшлик карвоннинг йўлбошчиси Аъшонинг түясини бойлар экан.

Ҳамма хурсанд бўлди. Ахир йўл чарчоини шундай тунда кимсан арабнинг энг машҳур шоири билан ҳамсуҳбат ўтказишига нима етсин. Дарров тўрга ўтқазиши. Янги соғилган туя сути билан сийлашди.

- Йўл бўлсин? – сўради карвон бошлиғи – ёлғиз чиқибсиз? Қаерга шошилябсиз?

- Ясрибга (Мадинанинг эски номи)! Муҳаммад (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ҳузурига борябман. Исломни қабул қилишга қарор қилдим.

Бу сўз узоқ сафар ва иссиқ ҳаво таъсирида мудраб ўтирган савдогарларни устларидан муздек сув қуилгандек сескантириди.

- Нима? Аъшо мусулмон бўлади!? – хаёллар сочилди. – Битта шоир Ҳассон ибн Собитни Исломга кириши қанча таъсир қилганди



одамларга. Ислом тез тарқаб кетганди. Йўқ, Ҳассон қадри Аъшоникича эмасди. Аъшо! Эҳе уни ким танимайди дейсиз. Агар у Исломга кирса бутун араб ота-боболар динини тарк қилиши ҳеч гап эмас! Нима бўлса ҳам азмидан қайтаришимиз керак. Ҳа, албатта!

Карвонбоши ҳаёлидан яшин тезлигига ўтган бу ўйлардан қутула олмай ночор Аъшони йўлдан қайтариш тузоқларини ташлай бошлади.

- Аъшо! Ота-бобларингиз дини яхши-ку, нима қиласиз ўзингизни овора қилиб, шу ёшда янги динга эргашаман деб.

- Йўқ Муҳаммадни дини яхшироқ! Мен буни ўргандим.

Бир-бирларига тикилишди, кўзлар кўзлар билан сўзлашди.

- Кимсан у шоир, доим аёллар ишқида. Шундан гап очайликчи!?

- Сизнинг хабарингиз борми-йўқми?! Муҳаммад зинони ҳаром қилган. Хатто Моиз ал-Асламий дегани зино қилдим деб келган экан, уни тошбўрон ҳам қилдирибди.

- Мен қаридим. Аёллар билан ишим нима?!

Яна ўйга толишиди: - Ҳа ароқ! Шуни айтайлик! Шерларида доим ароқни куйлаб келган, у ароқдан тийила олмайди!

- Биласизми! Муҳаммад ароқни ҳаром деркан. Ичгани қўймасмиш! Ахир сиз ароқсиз тура олмайсиз -ку!

- Ақлнинг кушандаси, кишининг хорхонаси! Тийилсам яхшироқ бўлади. - бепарво жавоб берди у.



- Нима қилсак экан, буни қандай бўлмасин йўлдан қайтаришимиз зарур! Мол – дунё айтиб кўрайликчи?

- Аъшо биласиз бутун Курайш сизни севади. Ҳамманинг тилида сизнинг шеърингиз. Сизга молларини фидо қиласиганлари ҳам бор. Мана бизни карвонимиздаги савдогарлар орасида сизга 100 тужаатаган киши бор. Лекин у сизни мусулмон ҳолда кўрса қаттиқ ранжийди. Шунинг учун сиздан илтимос шу 100 тужаатаган сизга берсагу, анави икки қул сизни Наждга, ўз юртингизга қайтишингизда ёрдамчи бўлишса нима дейсиз?! Туяларни ўзингиз олиб кета олмайсиз-ку?!

Аъшо ўйга толди. Юзта тужаатаган шеъри учун ҳам бунча соврин олмаганди.

- Яхши! Мен розиман! Тонг сахарда йўлга чиқамиз. Қани шеър базмини бошлайлик бўлмса!

Тун яримлагунча шеър айтишиб ўтиришди. Сафардан чарчаган кўзлар уйқу тажанглигига дош беролмай юмулди. Энди уйғонмоқчи бўлган қалб ҳидоят билан видолашди.

Эрта тонг ғафлат босган қалблар икки томонга йўл олди. Бир жамоаси Хижоз пойтахтига. Иккинчиси Нажд тепаликларига.

Мана бир неча кундан бўён Аъшо хурсанд, йўл чарчоғини билмайди. Ортида юз тужаатаган қуллар ҳайдаб келишябди. Бу туяларни ватанидаги туяларга кўшса, эҳз! Унинг бойлиги қанчага ортади. Аслида, юзта тужаатаган шеъри олдида ҳеч нарса эмас. Лекин барибир бойликда! Тезроқ юртига қайтса ҳамма буни кўрса эди. Унинг шуҳратига лол қолишарди. Бу ҳаёлдан кейин туясини янада тезроқ юришга қистаб



ниқратди.

Лекин унга бу баҳт насиб қилмади. Ҳали йўлда экан ўша қурайшлиқ савдогар берган туялардан бирини миниб олганди. Ҳадеб ниқтайвергандан безиган тая тўсатдан ёнга ташлади. Устидаги қария буни кутмаган экан учиб кетди. Бўйни билан тушди. У тушган жойида қимиirlамади. Ёрдамга етиб келган қуллар унинг бўйни синиб жон берганига гувоҳ бўлишди...